

PECULIARITIES OF TRANSLATION IN THE FORMATION OF LANGUAGE COMPETENCES

Elmirza Erkaev

Associate Professor at the University of Public Security, Candidate of Pedagogical Sciences

Annotation: This article contains some ideas on teaching translation in a foreign language, the formation of its significance.

Key words: language competence, translation, exercises, teaching a foreign language, types of speech activity, language material, translation from one language to another.

Чет тилларни ўргатиш жараёнида машқлар бажаришга кенг ўрин берилади. Машқ тушунчаси методик адабиётларда турли таъриф ва тавсифларга эга бўлиб келган [1]. Чет тилни амалий ўрганиш жараёнининг ўзи машқлар бажаришдан иборатдир. Машқнинг таркибий қисмлари методик адабиётларда машқ талаби ва машқ материали номи билан юритилади. Ўз навбатида машқ кичик йиғиндилар *системасидан* иборат бўлиб, улар нутқ фаолияти турлари ва тил материаллари машқларига бўлинади. Нутқ ва тил материаллини ўргатиш машқлари кичик системаларни ташкил этади, чунончи: гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув ва лексик, грамматик, талаффуз машқлари. Зикр этилган машқларнинг барчаси таржима ва таржимасиз бажарилиши мумкин.

Мамлакатимизда ҳам машқлар системасининг таснифига доир нуфузли тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотда чет тил машқлар системасини дидактик нуктаи назардан шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқ турларига бўлиниши аниқланган. Шакллантирувчи машқлар тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)ни ўзлаштиришда, ривожлантирувчи машқлар тил материаллини эгаллаш, тилга оид дастлабки кўникмаларни мустаҳкамлашда, такомиллаштирувчи машқлар эса чет тилда фикр баён этиш ва ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш мақсадида бажарилади. Бошқача айтганда, билим олиш (шакллантирувчи машқлар), кўникмани эгаллаш (ривожлантирувчи машқлар) ва малакани ўстиришга (такомиллаштирувчи машқлар) йўналтирилган машқлар деб аталади [1].

“Таржима” деганда, турли соҳа вакиллари уни турлича тушунадилар ва талқин этадилар. Масалан, адабиётшунослар ёки тилшунослар биринчи навбатда, бадий таржимани, яъни муайян бадий асарнинг бир тилдан иккинчи тилга ўгирилиши ҳақида фикр юритадилар ёки фан-техника мутахассислари шу соҳадаги илмий ва техникавий асарларни аслиятдан бошқа бир тилга ағдаришни назарда тутадилар. Иккаласида ҳам таржима ижодий ёки илмий фаолият ҳисобланади. Учинчи бир ҳолат: сўзловчининг нутқини бошқа бир тилга оғзаки таржима қилишга дуч келамиз. Унинг турлари таржимашуносликда тадқиқ этилади.

Ўқув таржима деганда талаба вақтини бежо сарфламаслик мақсадида бажариладиган ўқув машқи тушунилади. Қийин тил материаллини таржимасиз ўрганишда кўп вақт кетказишнинг олдини олиш учун унга эҳтиёж сезилади. Ўқув таржима нутқий малакага тезроқ эришиш йўлидаги таълимий воситадир. Таржима жараёнида луғат билан ишлаш учун алоҳида аҳамият берилади.

Чет тил ўрганиш тарихида икки ҳолатни кузатишимиз мумкин: биринчидан, узоқ муддат чет тилни жаҳон миқёсида она тилига таржима қилиш орқали ўргатиб/ўрганиб келинган (бунда биз “таржима методи”ни эслатиб ўтмоқчимиз), иккинчидан, бадий ва бошқа адабиётларни таржимада ўқилиши таъсирида “чет тил – таржима” тарзидаги фикрий боғланиш (ассоциация) ҳосил бўлган.

Амалий мақсадга коммуникатив (мулоқот) компетенцияни эгаллаш орқали эришилади. Компетенция (лаёқат), маълумки, билим, кўникма, малака ва шахсий белгилар мажмуидан иборат.

Маълумки, асрлар давомида чет тил машғулоти таржима методи орқали ўтказиб келинган. Унда тил ўрганувчининг тафаккурини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилган. Кейинчалик ушбу методнинг фақат ўлик (лотин, қадимий юнон) тилларни ўргатишга мос келиши, жонли тилларни эса мазкур метод билан ўргатиш имкони йўқлиги илмий асосланди ва халқаро миқёсда кўпчилик мутахассисларга маълум бўлган тўғри метод, аудиолингвал метод, аудиовизуал метод, интенсив метод

кабилар пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида чет тил ўргатиш коммуникатив метод орқали амалга оширилмоқда.

П.Хэгболдт [4] таржима ҳақида фикр юритиб, унча қийин бўлмаган матнларни ўқишда таржимага эҳтиёж сезмаслик, аксинча қийинчилик туғдирадиган матнларда таржимага мурожаат қилиш лозимлигини айтади.

И.В. Рахманов таржима билан бевосита боғлиқ масалаларга тўхталиб, чет тилни ўргатишнинг икки қонуниятини кўрсатган эди: 1) чет тилни ўргатиш она тили асосида бўлиши (ушбу қонуният ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб турибди, чунки она тили орқали чет тилни ўрганиш реал воқеликни акс эттиради); 2) чет тилни ўргатиш, қандай мақсадда бўлмасин, тинглаб тушуниш ва гапириш машқларини бажариш эвазига бўлиши керак [3].

Л.В.Шчерба фикрича, “бир тилда нутқ юритувчи ўша тилдаги белгиларни топа билади, аксинча чет тил билган ушбу вазиятдан чиқиб, бошқа тилда ҳам фикрлаш имкониятига эгадир” [5].

Чет тил ўрганиш тарихида икки ҳолатни кузатишимиз мумкин: биринчидан, узоқ муддат чет тилни жаҳон миқёсида она тилига таржима қилиш орқали ўргатиб/ўрганиб келинган (бунда биз “таржима методи”ни эслатиб ўтмоқчимиз), иккинчидан, бадий ва бошқа адабиётларни таржимада ўқилиши таъсирида “чет тил – таржима” тарзидаги фикрий боғланиш (ассоциация) ҳосил бўлган.

Таржима сўзининг маъно доираси шунчалар кенги [1], қуйидаги бирикмаларда бунини осон илғаб олиш мумкин; (1) таржима методи, таржима машқи, таржима усули; (2) бадий таржима, илмий таржима, таржима маҳорати; (3) матн/ибора/сўз таржимаси, оғзаки/ёзма таржима, синхрон таржима; (4) қўхна матнларни/манбаларни ҳозирги замон адабий тилига ағдариш/ ўгириш ва ҳ.к.з. Таржима қатор фанларда тадқиқот объекти бўла олади. Биринчиси чет тиллар ўқитиш методикаси, иккинчиси адабиётшунослик, учинчиси тилшунослик, тўртинчиси адабий алоқалар, ва, ниҳоят, бешинчиси матншунослик каби соҳаларда ўрганилади.

Оддийроқ айтганда, чет тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни нутқ фаолияти турлари сифатида эгаллаш алоҳида таржима машқларини талаб этади. Чунинчи, тил ва нутқ бирликлари ҳисобланмиш сўз, жумла, матн кабиларни ўрганишда қуйидаги таржима машқларининг бажарилиши методик жиҳатдан ўзини оклайди: (а) янги сўзнинг маъносини очиш (семантизация)да, таржимасиз усулдан фойдаланиш имкони бўлмаганда, сўз она тилига таржима орқали берилади; (б) чет тилдаги жумла мураккаб бўлса, у таржима қилинади, сўзма-сўз тушуниладиган жумлалар эса ўрганилган сўзлар ёрдамида таржимасиз тақдим этилади; матнни ўқишда уни бошдан-охир оғзаки таржима қилинмайди; ёзма таржима учун берилган матн эса таржимани ўргатишга мўлжалланмайди, балки унинг таркибидаги янги сўзларни луғат ёрдамида талабанинг қанчалик тўғри семантизация қилганлиги текшириб кўрилади, холос. Луғатдан фойдаланишни ўрганиш мақсадида матн ёзма таржима қилинади, бунинг учун дарсликда махсус машқлар берилади: “Матнни ўқинг ва уни луғат ёрдамида ёзма таржима қилинг”. Матндаги янги сўзлар маъносини талаба мустақил тарзда луғатдан топиши ҳисобга олинади.

Хуллас, чет тил амалий курси ва таржима назариясида бажариладиган таржима нутқий компетенцияларни ҳосил қилишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi: Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. –Toshkent: O'qituvchi, 2012. – 432 b.
2. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик. –Т.: “Фан” нашриёти, 2005. – 352 б.
3. Рахманов И.В. Обучение устной речи на иностранным языке. –М.: Высшая школа, 1980. –120 с.
4. Хэгболдт П. Изучение иностранных языков. Некоторые размышления из опыта преподавания. Сокращенный перевод а англ. Л.А.Морозовой. –М.: Гос. учебно-метод. изд. министерства просвещения РСФСР, 1963. – 160 с.
5. Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе. Общие вопросы методики / Под ред. И.В. Рахманова. – 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1974.– 112 с.

6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. Конимех–Мирзокуш. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Давлат илмий нашриёти”, 2003. – 704 б.